



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШАРОИТИДА SAMBUCUSNIGRAL ДОРИВОР ЎСИМЛИГИНИНГ ИНТРОДУКЦИЯСИ ВА АҲАМИЯТИ

Сапарниязова Гулчехра

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар
институтини талабаси

Матжанова Холида

Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси Қорақалпоғистон
бўлими табиий фанлар илмий тадқиқот институтини лаборатория
мудири, доцент

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11656978>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 05-June 2024 yil

Ma'qullandi: 10- June 2024 yil

Nashr qilindi: 14- June 2024 yil

KEY WORDS

Қорақалпоғистон шароитида,
Sambucus nigra L., доривор
ўсимлик, интродукция,
аҳамияти

ABSTRACT

Мазкур иш *Sambucus nigra* L. (Бузина черная) ўсимлигининг Нукус шаҳри шароитида иқлимлаштирилишига боғлиқ ўтказилган тадқиқотлар натижасига бағишланган. Ўзбекистоннинг, жумладан, Қорақалпоғистоннинг турли иқлим ва тупроқ шароитларига мос ўсимликларни танлаш ҳамда уларнинг биоэкологик хусусиятларини ва аҳамиятини ўрганиш катта амалий ва илмий аҳамият касб этади. Сабаби, Қорақалпоғистонда доривор ўсимликшуносликни ривожлантириш асосида маҳаллий фармацевтика ишлаб чиқариш тармоғини доривор ўсимликлар хом-ашёси билан таъминлаш муҳим вазифалардандир.

Ўзбекистоннинг, жумладан, Қорақалпоғистоннинг турли иқлим ва тупроқ шароитларига мос ўсимликларни танлаш ҳамда уларнинг биоэкологик хусусиятларини ўрганиш катта амалий ва илмий аҳамиятга эгадир. Сабаби, Қорақалпоғистонда доривор ўсимликшуносликни ривожлантириш, маҳаллий фармацевтика ишлаб чиқариш тармоғини янги ва истиқболли доривор ўсимликлар хом-ашёси билан таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелда қабул қилинган “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилиндики, бу қарорлар ижросини таъминлаш жуда долзарб муамоларни ҳал қилишга бағишланган. Республикада барқарор ривожланиш, доривор ўсимликларнинг иқлимлаштирилиши ва интродукция муаммолари тўғрисида кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилган дастурий чора тадбирлар асосида Қорақалпоғистон шароитида истиқболли доривор ўсимликларнинг биоэкологик хусусиятларини ўрганиш, доривор ўсимликшуносликни ривожлантириш ва маҳаллий фармацевтика ишлаб чиқариш тармоғини янги истиқболли турлар билан таъминлаш борасида муҳим натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида

“қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, доривор гиёҳлар ва ўсимликлар, маҳаллий табиий минерал-хом ашё ресурсларини қайта ишлаш асосида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, шунингдек, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш” бўйича аниқ вазифалар белгиланган. Юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб, истиқболли доривор ўсимликларни интродукция қилиш ва уларнинг биоэкологик хусусиятларини ўрганиш, интродукцион баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш катта долзарб вазифадир.

Тадқиқот объектисифатида 2018 йил баҳорда Тошкент Ботаника боғидан келтирилган ва Нукус шаҳрида маданий экин майдонига ўтқазилган *Sambucus nigra* L. (Бузина черная) – маржондарахт ўсимлиги хизмат қилди.

Sambucus nigra L. – маржондарахт бўйи 2-3 м (5-6 м) бўлган, кичик дарахт кўринишига эга бута. Тоқ патсимон, 5-7 тадан ланцетсимон, ўткир учли ва аррасимон четли барглари пояда қарама-қарши жойлашади. Гуллари майда, қаймоқранг-оқ, хушбўй, қалқонсимон тўпгулга йиғилган. Июнь ойининг охири – июль ойининг бошларида – бир ой давомида очилади. Мевалари – сиёхранг-қорамтир, ялтироқ, уруғли резавор мева бўлиб, улар сентябрь ойларида пишади ва барглари тўкилгандан кейин ҳам тушмасдан қолади (Даниленко и др., 1981).

Sambucus nigra L. – маржондарахтнинг ватани – Россиянинг Марказий Қоратупроқли европа бўлими бўлиб, Қрим ва Кавказда ҳам кенг баргли, баъзан аралаш ва арчали ўрмонларда ўсади. Жуда тез ўсади, сояга чидамли, намлик ва тупроқ унумдорлигини севади.

Маржондарахтнинг барча қисмида биологик фаол моддалар мавжуд. Масалан, илдизларида сапонинлар, дубил моддалари, аччиқ моддалар; пўстлоғида эфир мойи, холин, фитостеарин, қанд, органик кислоталар, пектин ва дубил моддалари кўп миқдорда бўлади. Гулларида гликозидлар, самбунигрин, рутин, эфир мойи ва терпенлар сақланади. Шунингдек, меваларида қанд, каротин, аскорбин кислотаси, самбуцин, рутин, хризантемин, тирозин, бўёвчи моддалар ва эфир мойлари кўп миқдода тўпланadi (Лекарственные растения ..., 1976; Турова и др., 1982).

Тиббиётда маржондарахтнинг гуллари терлатувчи, пешоб ҳайдовчи, шамоллашга қарши ва дезинфекцияловчи восита сифатида ишлатилади.

Маржондарахтнинг бир неча туп кўчатлари 2018 йил баҳорда Тошкент Ботаника боғидан келтирилди ва Нукус шаҳрида маданий экин майдонига ўтқазилди. Ниҳоллар вақтида суғорилиб турилди, бироқ кўшимча озиқлантирилмади. Нукус шаҳрининг қаҳратон совуқларида ўсимликнинг юқориги қисмлари совуқ уриб, баҳорда унинг пастки қисмидан янги куртаклардан ўсимликликнинг ўсиши кузатилди. Ўсимлик уч йил ўсиши давомида гулламади. Олиб келинган 5 туп ниҳолдан ҳозир 3 таси ўсмоқда.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида ўтказилаётган илмий тадқиқотларда антропоген омиллар таъсирида ўсимлик турлари ареалларининг қисқариб бориши доривор ўсимликларнинг бутунлай йўқолишига ёки камайишига сабаб бўлиши кузатилмоқда. Ўзга флорага мансуб бўлган доривор ўсимликларни маҳаллий шароитга интродукция қилиш, уларнинг биоэкологик хусусиятларини ўрганиш, кўпайтириш ва етиштириш усулларини ишлаб чиқиш ҳозирги вақтда, айниқса, Қорақалпоғистон учун жуда аҳамиятлидир. Шу сабабли, ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш ва чет ўлка турлари ҳисобига бойитиш – давр талабидир.

Истиқболли доривор ўсимликларни интродукция қилиш, уларнинг биоэкологик

хусусиятларини ўрганиш орқали қимматбаҳо доривор ўсимликларнинг биологик хилма-хиллигини таъминлаш масалалари айниқса Қорақалпоғистон Республикасининг кескин континентал иқлим ва ҳар хил даражада шўрланган тупроқлари учун жуда долзарб масалалардан биридир.

Шунингдек, маҳаллий фармацевтика ишлаб чиқариш тармоғини доривор ўсимликлар билан таъминлашда муҳим натижаларга эришиш учун омил бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Даниленко В.С. Родионов П.В. Острые отравления растениями.—Киев: Здоровья. 1981. – 104 с.
2. Лекарственные растения и их применение. Изд. 7-е. Мн.: Наука и техника.- 1976.- 592 с.
3. Турова А.Д., Сапожникова Э.Н. Лекарственные растения СССР и их применение. – Москва «Медицина». 1982. 288 с.

